
Ислоҳотлар амалда|Ҳоким ёрдамчисининг ташаббуси билан 60 нафар фуқаролар бандлиги таъминланди

Ҳоким ёрдамчиларининг зиммасида энг аввало ишлаш имконияти ва хоҳиши бор, лекин шароити оғир оилаларни ўқитиш, ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит, субсидия ажратиш каби масалалари юклатилган. Шунингдек ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашади.

“Кўқонбой” маҳалласида 615 та хонадон, 1351 та оилада 4704 нафар аҳоли истиқомат қилади.

"Кўқонбой" маҳаласи ҳоким ёрдамчиси, Раҳмонжон Рўзमतовнинг таъкидлашича маҳаланинг асосий драйверлари тикувчиликка мослашган. Жорий йилда маҳаллада 26 нафар аҳоли доимий иш билан, 34 нафари ўз-ўзини банд қилиш орқали иш билан таъминланди. 15 нафар ишсиз фуқаро касб-ҳунар ўрганиши учун ўқишга йўналтирилди. Шундан 42 нафар фуқарога 780 млн сўм кредит маблағлари ажратилди. 7 нафар фуқароларнинг томомрқадан унумли фойдаланишлари учун субсидия 1 сотихдан иссиқхонлар қуриб берилди.

Шунингдек маҳаллаларнинг ўзида ҳам тикувчилик йўналишида кооперациялар ташкил қилиниб, 3 нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

2023-05-31 17:39:54